




**НАУЧНЫЙ
ИМПУЛЬС**

ЦЕНТР НАУЧНОЙ
ПОДДЕРЖКИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ СОВРЕМЕННЫЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

НАУЧНЫЙ ИМПУЛЬС



**Последние
новости**

**Последние
образование**

**Последние
исследование**

И НОВЫЕ НАУКИ



Международный современный научно-практический журнал

Научный импульс

№ 10 (100)
Май 2023 г.

Часть 2

Издается с августа 2022 года

Москва 2023

САВОДХОНЛИКНИ ЖОРИЙ ЭТИШ Гаппарова Севара Ҳикматулла қизи	
РАЗРАБОТКА КОНТРОЛЛЕРА ЗАРЯДКИ АККУМУЛЯТОРНЫХ БАТАРЕЙ ДЛЯ КОМБИНИРОВАННОЙ СОЛНЕЧНО-ВЕТРОВОЙ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЙ Кулмирзаев Учкунжон Долимирзаевич Тачилин.С.А.	70
ОСОБЕННОСТИ РАБОТЫ КОНТРОЛЛЕРА ЗАРЯДКИ АККУМУЛЯТОРНЫХ БАТАРЕЙ ДЛЯ КОМБИНИРОВАННОЙ СОЛНЕЧНО-ВЕТРОВОЙ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЙ Кулмирзаев Учкунжон Долимирзаевич Тачилин.С.А.	74
POLIETILEN MAXSULOTLARI, SANOATDA ISHLATILISHI, CHIZIQLI POLIETILEN VA KO'PIKLI POLIETILEN Ashiraliyeva Odina Xomidjon Qizi Xudoyshukrov Xusan Saydullo O'g'li Xakimova Ozoda Abdivahob Qizi	77
ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ БОШҚАРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ К.Н.Хужакелдийев Баратова Мафтуна Зафар қизи	82
KLIMAKTERIK SINDROMI MAVJUD 2-TIP QANDLI DIABETLI AYOLLARDA TRANSDERMAL ESTEROGENNING SAMARADORLIGI Sadiqova N.G Xidirova M.D	88
DEVELOPMENT OF OBESITY IN POSTMENOPAUSAL WOMEN AND ITS CONSEQUENCES Qarshiyeva is the daughter of Shahista Musurman	92
ПРЕИМУЩЕСТВА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕТОДА НАУЧНОГО ИССЛЕДОВАНИЯ ПРИ РЕШЕНИИ ЗАДАЧ КОМБИНАТОРИКИ Хайитова Хилола Гафуровна	96
YUPQA QATLAMLI SHISH GETEROSTRUKTURANING TOK TASHISH MEKANZMI/MO/CEF3/CDS/ Saidjanova Madina Shuxratovna	101
QALAY OKSIDLI YUPQA QATLAMLI PLYONKA SNO2 Nizomova Shahnoza Qahramon qizi	107
SHAFFOF O'TKAZUVCHAN QOPLAMALARNI CHO'KTIRISHNING ASOSIY XUSUSIYATLARI VA USULLARI Nizomova Shahnoza Qahramon qizi	112
TA'LIM MUHITIDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINING O'RNI Gulbahor Yuldasheva	118

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ БОШҚАРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти

“Геодезия кадастр ва ёрдан фойдаланиш”

кафедраси, т.ф.ф.д. (ПхД) доц. К.Н.Хужакелдийев

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти магистранти

Баратова Мафтуна Зафар қизи

Аннотация: Ушбу мақолада ҳозирги кунда қишлоқ хо`жалигида олиб борилаётган ислохотлар, жумладан ёр тузиш ишларига бевосита ва билвосита алоқадор бўлган мониторинг ишлари ва уларнинг ҳуқуқий манбалари ҳақидаги ма`лумотлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Тармоқлараро ердан фойдаланиш тамойили, ердан фойдаланишнинг пуллик тамойили, ҳудудни минтақалаш ва районлаштириш тамойили, ердан фойдаланишлар.

Аннотация: В данной статье освещены сведения о проводимых реформах в сельском хозяйстве, в том числе о работах по мониторингу, прямо и косвенно связанных с работами по подготовке земель и их правовых источниках.

Ключевые слова: Принцип межрайонного землепользования, платный принцип землепользования, принцип территориального районирования и районирования, землепользование.

Abstract: In this article, information about the reforms being carried out in agriculture, including the monitoring works directly and indirectly related to land preparation works and their legal sources, is highlighted.

Key words: The principle of inter-regional land use, the paid principle of land use, the principle of territorial zoning and zoning, land uses.

Ердан фойдаланиш мураккаб бошқариладиган тизим сифатида унинг асосий, бошланғич ҳолатини аниқловчи тамойилларга мос тарзда амалга оширилади. Уларнинг мазмуни табиатдан фойдаланишнинг умумий тизимида ердан фойдаланишнинг роли ва ўрни билан, табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсирларининг моҳияти билан, жамиятнинг ривожланишида ер ресурсларининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти билан, ерлардан оқилона фойдаланиш, қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш усуллари ва услублари билан аниқланади.

Ердан фойдаланиш тамойиллари, унинг тизими ҳам улардан бир нечаси шакллантирилган ҳамда махсус адабиётларда ва ҳок. келтириладиган бўлишига қарамасдан тўла ўрганилган эмас ҳамда тизимга келтирилган эмас. Жумладан, ер тизимининг тамойиллари қараб чиқилган: ерлардан оқилона фойдаланиш умумхалқ бойлиги, муҳим ишлаб чиқариш воситаси ҳамда табиий ресурс сифатида: қишлоқ хўжалик ерларининг устунлиги: ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш

муносабатларининг ривожланишига мос уларни доимий шакллантириш асосида қишлоқ хўжалик корхоналарининг барқарор- лигини таъминлаш: ернинг кенглик хусусиятларини, хўжалик ва туман: ернинг кенглик хусусиятларини, хўжалик ва туман: минтақаларининг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитларини қатъий ҳисобга олиш.

Юқорида санаб ўтилган тамойиллар ердан фойдаланишнинг мазмуни ва моҳиятини тўла ёритмайди, кўп жиҳатдан улар ер тузишнинг асосий қоидаларини ёритадилар. Бу ҳолат проф. Ю.М.Рогатнёв томонидан ҳам қайд қилинади: ердан фойдаланишни ташкил этишнинг мавжуд назарияси ва амалиёти уни фақатгина ишлаб чиқариш воситаси сифатидагина эътироф этади. Шу билан бирга қайд қилиш лозимки, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш бир қатор олимлар томонидан ердан фойдаланиш тамойилларидан бири деб эътироф этилади, бундай ҳулоса билан келишиш мумкин эмас. бундан ташқари, режали иқтисодиёт шароитида ердан фойдаланишнинг бозор тамойилларини ўрнатиш мумкин бўлмаган, ердан фойдаланишнинг ижтимоий, рекреацион ва экологик қирралари жуда кам ёритилган.

Ердан фойдаланишни табиий мажмуанинг ҳамда ижтимоий-иқтисодий боқейликнинг кичик тизими сифатида қараш учун қуйидаги тамойилларини ўрнатишга имкон берди

- ер муносабатларини давлат томонидан мувофиқлаштириш;
- ер ресурсларидан фойдаланишни бошқариш;
- мулкчилик шакллари ҳамда ер ҳуқуқ турларини ранг-баранглиги;
- ер ресурсларидан кўп мақсадли, тармоқлараро фойдаланиш;
- жамият ва табиий мажмуаларнинг бир-бирлари билан ўзаро таъсири;
- ердан фойдаланишнинг ижтимоийи йўналишлиги;
- ердан фойдаланишнинг пуллилиги;
- ер бозорининг мавжуд бўлиши (ҳуқуқ);
- қишлоқ хўжалик ерларининг устунлиги;

-ердан хўжалик юритишни ташкилий-ҳуқуқий шакиллариининг ранг-баранглиги, ер участкаларининг барқарорлиги;

-ҳудудни табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлари бўйича минтақалаш ҳамда районлаштириш.

Ердан фойдаланишнинг ер муносабатларини давлат томонидан мувофиқлаштириш тамойили ер муносабатларини ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг замонавий даражаси билан бир хил даражага келтириш, шунингдек жамият ва табиий атроф-муҳитнинг ўзаро гармоник ривожланишини таъминлаш мақсадларида жамият ривожланишининг диалектив характерини кўзда тутувчи ердан фойдаланишини такомиллаштиришнинг объектив заруриятини ёритади. Ер муносабатларини мувофиқлаштириш ердан фойдаланишни бошқаришнинг асосидир.

Ер муносабатлари ерни жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий алоқалар ва муносабатлар объекти сифатида мавжуд бўлиш қонуниятларига мос тарзда ривожланади. Бошқа муносабатлар сингари у ҳам воқеиликнинг юзасида кўринмайди, реал ҳаётда ерлардан фойдаланиш механизими воситасида акс этади. Уларни мавжуд бўлишининг бош ва асосий шарти-бу жамиятни ердан фойдаланишига бўлган объектив заруриятдир ҳамда бунинг оқибатида ерда хўжалик юритишни ижтимоий-иқтисодий шакиллариининг мавжудлигидир.

Айнан ерда хўжалик юритиш жараёнида ер муносабатлари амалга оширилади. Дарҳақиқат, ер муносабатларини вужудга келиши ёки моддийлашининг асосий шакллари-бу халқ хўжалигининг турли тармоқларида ерлани мақсадли моҳиятларига қараб тақсимлаш ҳамда ер хўжалик юритишининг ижтимоий-иқтисодий шакллари дир. Уларни вужудга келишининг навбатдаги шакли-бу халқ хўжалик тармоқлари ўртасида, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ерларни миқдорий тақсимлаш ҳамда ер участкалари чегараларини белгилашдир.

Ерга бўлган мулкчилик шакиллари ва ҳуқуқ турларининг ранг-баранглиги тамойили мамлакатда бозор муносабатларининг ривожланиши, мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодий тизимига кириши, ер ресурсларидан фойдаланишни жадаллаштириш заруриятлари билан вужудга келди. Буларнинг барчаси ер муносабатларини маълум тартибда ислоҳ қилишни талаб қилди. Бу ислоҳатнинг маркази эса мулкчилик муносабатидир. Ушбу томоилга риоя қилиш ундан оқилона фойдаланишни амалга ошириш учун ерга бўлган турли мулкчилик турларини ҳамда ҳуқуқ турларини мақбул қўшилишини таъминлайди.

Тармоқлараро ердан фойдаланиш тамойили ерни ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг объекти сифатидаги объектив кўп мақсадли характерини кўзда тутди. Уни амалга ошириш ерлардан фойдаланишнинг ялпи самарадорлигини мақбуллаштириш шарти билан ягона давлат ер фондиди тарифлари бўйича мақбул тақсимланишини кўзда тутди. Барча тоифалар ерлардан фойдаланишдаги турлича характер, шакллар ва ўзига хослик ерлардан фойдаланишни баҳолашнинг уларга мос мезонлари ва услубиятларини ҳамда ерларни қайта тиклаш усулларини ишлаб чиқишини талаб қилади.

Жамият ва табиий мажмуани, шу жумладан ерни ҳам ўзаро таъсири тамойили биосферанинг умумий тизимида алоҳида ва ўзаро боғлиқ кичик тизим сифатидаги жамият ҳамда табиий муҳитни гармоник ривожланиши учун зарурий шарт-шароитни таъминлашдан иборатдир. Биосфера ўз-ўзини мувофиқлаштирувчи тизими бўлганлиги сабабли табиий мажмуага, шу жумладан ерга ҳам антропоген таъсир инсони биосферага йўл қўярли аралашини чегарасида бўлиши зарур. Айнан шу чегарада биосфера қайта тиклаш жараёнини ўз-ўзи мувофиқлаштириб туриш имкониятини йўқотмайди.

Ердан фойдаланишни ижтимоий йўналтирилганлик тамойили умумқобул қилинган мезонлар ва меъёрларга мос тарзда аҳолини тўла қонли ҳаёти ва меҳнати учун зарурий шарт-шароитларни тўлароқ таъминлашни кўзда тутди. Оқилона ердан фойдаланиш одамларни уй-жойга бўлган талабларини қондириш, деҳқон хўжалигини юритиш, тарбия ва таълим олиш, аҳолини фаол дам олиши, даволаниши учун барча зарурий шароитларни яратиши зарур.

Ердан фойдаланишнинг пуллик тамойили ер ресурсларини умумхалқ мулкчилигининг иқтисодий моҳиятини ҳамда улардан юқори маҳсулдорлик асосида фойдаланишни рағбатлантиришни амалга ошириш заруриятларидан келиб чиққан. У баҳонинг моҳияти ва роли, ер рентаси, ер солиғи ва ижара ҳақи, ерлардан хўжалик сифатида фойдаланиш механизмда ишлаб чиқариш йўқотишларини ўрнини қоплаш каби тушунчаларни ўз ичига олади. Ер рентаси ер участканинг сифат ҳолати ва жойлашган ўрнини ҳисобга олган ҳолда ерга бўлган мулкчиликнинг иқтисодий моҳиятини ёритади. Ер солиғи, фискал мақсадидан ташқари, ерлардан фойдаланишни анча юқори даражасини рағбатлантиради. Ерларга баҳо белгилаш зарурияти ер участкаларини хусусийлаштириш ва ер бозорини яратишнинг натижаси ҳисобланади, у бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда кадастрли қиймат баҳолашга асосланади. Ишлаб чиқаришнинг йўқотишларини ўрнини қоплаш ерларни муҳофаза қилиш ҳамда қайта тиклашни ёритади.

Қишлоқ хўжали ерларининг устунлиги тамойили уларни асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ҳада қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун зарурий сифатдаги ерларнинг чегараланганлигини кўзда тутди. Ушбу ерларда аҳоли учун озиқ-овқат экинлари ҳамда саноат учун хом-ошё, шунингдек чорвачилик учун ем-хашак етиштирилади. Қишлоқ хўжалик ерлари фойдаланишнинг энг мураккаб ҳуқуқий режимига эга, улар махсус муҳофаза қилинади, уларни оборотда чиқариш таъқиқланади ҳамда махсус қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Ерда хўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини ранг-баранглиги, ер участкаларининг барқарорлиги тамойили бозор муносабатларини ривожланиши билан, ишлаб чиқариш воситаларига, шу жумладан ер ҳам мулкчилик шакллари билан узвий боғлиқдир. Ишлаб чиқариш воситаларига мулкчиликдан ташқари мулкчилик муносабатлари товар ишлаб чиқарувчилар томонидан иқтисодий фаолият турларини эркин танлашлари, шунингдек етиштирган маҳсулотларни объектив тасарруф этишлари ҳамда уларни тенг (эквивалент) алмашишлари ҳуқуқларини ўз ичига олади. Хўжалик юритишнинг ранг-баранг шакллари ерларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланишнинг турли шаклларини, меҳнатни ташкил этиш ва якуний маҳсулотни тақсимлашнинг турли шаклларини белгилайди, ер, сув, меҳнат, моддий, молиявий ресурслардан фойдаланишда рақобат учун манбаалар яратади.

Ҳудудни минтақалаш ва районлаштириш тамойили қишлоқ хўжалик ерларини табиий-иқлимий, ижтимоий-иқтисодий ва экологик шартлари бўйича табақалаштиришни, шаҳарлар ва посёлкалар ҳудудларини ерларни функционал

фойдаланишлари бўйича минтақалашни кўзда тутди. Регионнинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари, жумладан уни меҳнат ва сув ресурслари билан таъминлаганлиги, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этиш даражаси, қишлоқ хўжалик инфратузилмаларини ривожлантириш, экологик ҳолати ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Тизимли ердан фойдаланишнинг иқтисодий тамойилларига қуйидагилар киради:

- ердан фойдаланишнинг иқтисодий қиррасининг устунлиги;
- ерларни қайта тиклаш циклининг ёпиқ характерга эга эканлиги;
- ер-сув муносабатларини ислоҳ қилишнинг бирлиги;
- ердан фойдаланишлар, ер турлари ва экинлар таркибларини мақбуллаштириш;
- қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришнинг замонавий технологияларини қўллаш;
- ер ресурсларини унумли ва унумсиз истеъмолига объектив зарурият;
- ер ресурсларини қайта тиклаш сарф-ҳаражатларини камайтириш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш жараёнида тупроқлар унумдорлигини қайта тиклаш;
- ерларни ва суғориш сувини баҳолашнинг бозор услубиятлари;
- ер бозори ва ижара ҳуқуқини мавжуд бўлиши;
- ердан фойдаланишнинг пуллилиги;
- ердан самарали фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш.

Ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий қиррасини устунлиги тамойили ерлардан фойдаланишнинг асосий мақсади-жамиятнинг доимий ўсиб бораётган талаблари учун моддий ва бошқа бойликларни мумкин қадар кўпроқ ишлаб чиқаришни таъминлашни кўзлайди. Ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги ердан фойдаланувчи даромадини шакллантириш ҳамда истеъмол қилинган ер ресурсларини қайта тиклашни молиялаш манбаи ҳисобланади. Ушбу қирраси ердан фойдаланишни иқтисодий моҳиятини ёритади ҳамда тизимли ердан фойдаланишнинг иқтисодий асоси ҳисобланади.

Ерларни қайта тиклаш циклининг ёпиқ характерга эга эканлиги тамойили эътироф этадики, ердан фойдаланиш жараёни циклик характерига эга. Ерни тўла қайта тўклаш цикли учта фазани ташкил этади, у ёпиқ ёки очиқ (ёпилмаган) бўлиши мумкин. Епилмаган цикл самарали бўлмайди, кейинги циклни амалга ошириш учун зарурий шароитни таъминламайди. Тизимли ердан фойдаланиш учун қайта тиклашнинг ёпиқ цикли характерлидир.

Ер-сув муносабатларини ислоҳ қилишнинг бирлиги тамойили бир вақтнинг ўзида ердан ва суғориш сувидан самарали фойдаланишни таъмирламайдиган суғориладиган ердан фойдаланишнинг ер муносабатларини ўзвий ўзаро боғлиқ ҳолда ислоҳ қилишни кўзда тутди.

Ердан фойдаланишлар, ер турлари ваа экинлар таркибларини мақбуллаштириш тамойили улардан фойдаланишни режалаштириш йилига ерлардан оқилона фойдаланиш шарти билан мумкин бўладиган энг юқори ялпи самарадорликни белгилайди; таркибни мақбуллаштириш динамик характерга эга, негаки кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш шароитида у жамиятни моддий бойликларга доимий ўсиб боровчи ва ўзгарувчи талаблари таъсирида ҳар йили ўзгаради.

Қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришнинг замонавий технологияларини қўлаш тамойили тупроқларни ишлашнинг самарали усулларини қўлаш, уруғларни районлаштириш, экишнинг мақбул муддатларини белгилаш, ўсимликларни озиклантириш, ҳосилни еғиштириш каби ишлаб чиқаришнинг энг кам сарф-ҳаражатли шарида юқори ҳосилни таъминловчи омилларни кўзда тутати.

Ер ресурсларини унумли ва унумсиз истеъмолига объектив зарурият тамойили ердан фойдаланишни қонуний жараён сифатида, истеъмол қилинган ресурсни кейинги қайта тиклашни эса йили маълум миқдордаги сарф-ҳаражатларни талб қиладиган объектив зарурий, доимий ва динамик жараён сифатида қарайди.

Хулоса

Ердан фойдаланишни ижтимоий воқеийлик сифатида аниқ қойдаси мавжуд эмас, ерларни тўла қайта тикланиш циклининг босқичлари тадқиқ қилинмаган, ер ресурсларини қайта тиклаш муаммолари бўйича тадқиқотлар, биринчи галда, тупроқ унумдорлигини тадқиқ қилиш долзарб ҳисобланади, ердан фойдаланишнинг алоҳида турлари бўйича ва умуман мамлакат бўйича ҳам самарадорликни баҳолашнинг методологик ва методик асосларини ишлаб чиқиш зарур.

Ҳар қандай ердан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш асосида ер участкасидан фойдаланиш самарадорлиги ётади. Агарда ер участкасидан мақсадли фойдаланиш битта, иккита ёки учта турдаги самарадорликни олиш билан боғлиқ бўлса, мавжуд бўлмаган бошқа самарадорликнинг қиймати нолга тенг бўлади.

Фойдаланилган адабийот:

- 1.Авезбайев С Йер тузишни лойиҳалаш Т-2000
- 2.Ўзбекистон республикаси конституцияси Т-1992
3. Авезбайев С ,Волков С.Н “ йер тузишни лойиҳалаш” Дарслик Т:Янги аср авлоди 2004
- 4.Фермер хўжалиги тўғрисида қонуни 1998
- 5.Лех.уз